


ТОШКЕНТ ОҚШОММИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (11.297)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жағият қурилиш академиясида «ЎзДПда ёш сийбсатчи - 2008» кўрик-танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Унда 14 нафар иштирокчи тўртта шарт бўйича беллашиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис, сиёсий партиялар, сайловлар, сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва ёшларга оид қонуларни пухта билишларини намоян этишди. Термизда Сурхондарё вилояти ҳокимияти ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган «Аёл, жағият ва сийбсат» мавзуида семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Банклар ассоциациясида «Ёш тадбиркор - юртта мадақдор» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик маросими бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида уюштирилган кўрик-танлов галибларига «Микрокредитбанк» АТБдан сармояни шакллантириш учун кредит фоииз ставкалари берилди. Нукус шаҳрида Одам савдосига қарши кураш бўйича идораларо комиссиянинг минтақавий мажлиси бўлиб ўтди. Тадбир давомида одам савдосидан жабр кўраётган юртдошларимизга ёрдам бериш юзасидан мутасадди идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юқлатилди. Самарқанд Давлат тиббий институтидан анестезиологлар таълими учун Европа жағмармаси томонидан ўқу курслари ташкил этилди. Тўртинчи бор ўтказилган ушбу курсларда республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан тиббий билишлари, ихтисослаштирилган тиббий марказлардан келган 80 га яқин шифокорлар жаҳоннинг етакчи мутахассислари маърузаларини тингладилар.

Маннон Уйғур номи Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган вилоят миллий маданият марказлари фестивали мамлакатимизнинг энг жанубий минтақасида истикомат қилувчи кўп миллатли халкларнинг ҳақиқий дўстлик байрамига айланиб кетди. Марғилон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган 6-мактаб-интернат ўқувчилари немис тилида «Буюк Ипак йўли» спектаклини намойиш этдилар. Мазкур лойиҳа немис маданияти ҳафталиги доирасида амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

CNN телеканали орқали сўзга чиққан Покистон Президенти Асиф Али Зардорий Хиндистоннинг Мумбай шаҳридаги террорчи ҳуружларига мамлакатнинг дахли йўқ эканини таъкидлади. Шунингдек, Президент кўлга олиналган террорчи Аъзам Амир Касбининг Покистон фуқароси эканига шубҳа билдирди. Зардорийнинг фикрича, Мумбайдаги ҳуружлар ортида фуқаролиги аниқ бўлмаган террорчилар турибди. НАТО Россия билан юқори даражадаги сиёсий мулоқотни қайта тиклашга қарор қилди. Айтиш керакки, аввалги музокаралар Жанубий Осетиядаги ҳарбий ҳаракатлар чоғида тўхтаб қолган эди. Украина Бош вазирини Юлия Тимошенконинг Олий Рададаги тарафдорлари ҳатто ўзларининг узок муддатлик Регионал партиясидаги муҳолифлари билан бўлсада коалиция ташкил этиш юзасидан музокараларга тийёр эканликларини билдирди. Европа Иттифоқи денгиз қароқчилари қарши илк бор ҳарбий операция ўтказишга маъқуллади. Сомали қирғоқларидаги қароқчиларга қарши ҳарбий ҳаракатлар 8 декабрда бошланди. Финляндиянинг «Finnair» авиакомпанияси 2 минг нафар ходимини вақтинча ишдан озод қилишга қарор қилди. Ушбу режа келаси йили амалга оширилади. Авиакомпания ортиқча ҳаражатларини тежаш мақсадида шундай йўл тутушга қарор қилган.

Москва шаҳар судида 20 кишининг ҳаётига зомин бўлиб, 12 кишига турли даражадаги оғир тан жароҳатларини етказган, асосан вояга етмаган ўсмирлардан ташкил топган скинхедлар гуруҳи томонидан бир йил давом этган тергов ҳаракатлари тугади. Тергов натижасида тўққиз ўсмирдан етти нафари айбдор деб топилди. Улар устидан суд ҳукми бир ҳафта давомида чиқарилади. Хиндистон ва АҚШ терроризмга қарши ҳамкорликда курашишга келишиб олдлар. Бангкокнинг Суваннапун халқаро аэропортини саккиз кун давомида эгаллаб турган Таиланд муҳолифати вакиллари уни тўлалигича тарк этишди. Улар аэропортни назорат қилишни мамлакат маъмурларига топширган. «Таиланд аэропортлари» ташкилоти бошқаруви раисининг билдиришича, бугундан бошлаб аэропорт тўла қувват билан ишлашга ўтади.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.

Кеча, 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Мухитдиновнинг парламент юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлисига тийёргарлик қилиш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахбороти тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқиш мўлжалланган қонулар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар бўйича қарорлар тийёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажақ ялпи мажлисида йиғилмадан ортиқ масалани, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетни тўғрисидаги масалани, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Амнистия актини қўллаш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ички ишлар вазирлигининг қўрол қўшуқлари ҳақида»-ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуларини ҳақда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига қўшилиши тўғрисидаги бир қатор масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгариш киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуларини ҳам кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кенгаш кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу кун Сенатнинг барча олти кўмитасида мажлислар ўтказилиб, уларида ўн олтинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисларда юқори палатанинг бўлажақ ялпи мажлиси муҳокама қилинишига қарата олган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ўн олтинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисларда 2008 йилнинг ўтган даврида сенаторлар амалга оширган ишларнинг яқунлари кўриб чиқилди ҳамда Сенат кўмиталари фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Мажлисларда 2008 йилнинг ўтган даврида сенаторлар амалга оширган ишларнинг яқунлари кўриб чиқилди ҳамда Сенат кўмиталари фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ПОЙТАХТНИНГ бир кунли



ТОШКЕНТДА «ROISON-CANDY» ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ.

ТАНИШИНГ: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар қўллаб чет эл фирми ва компанияларининг Ўзбекистон бозорига ўз ўрнини кенгайтиришга қизиқишини қучайтираётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодий ётиш юқултириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш ва реконструк-

ция қилишда хориж сармоясини кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик қўлламини янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

«Roison-Candy» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси Ўзбекистоннинг «Roison Electronics» масъулияти чекланган жағияти ҳамда Италиянинг «Candy Group» транмилий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Янги қўшма корхона илгор технологиялар асосида турли хил ва ҳажмдаги маиший техника, хусусан, музлаткичлар ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

1945 йилда фаолиятини бошлаган «Candy Group» мингдан зиёд русумдаги маиший техника ишлаб чиқаради. Компаниянинг махсулотлари юздан ортиқ давлатга экспорт қилинади.

Италия бизнес оламида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта, — дейди «Candy Group» тижорат ишлари бўйича директори Массимилиано Марколини. — Бунда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликда сифати жиҳатидан халқаро талабларга тўла жавоб берадиган махсулотлар ишлаб чиқариш, товарларимиз билан ички бозорни янада тўлдирish ҳамда уларни экспортга чиқаришни мақсад қилганмиз.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА МУХБИРИ СУРАТЛАРДА: ҚЎШМА КОРХОНА

Фаолиятдан лавҳалар Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси кун

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2001 ЙИЛ 4 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ФАРМОЙИШИ БОШ ҚОМУСИМИЗ МАЗМУН-МАЌИЯТИНИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА СИНГДИРИШДА, АҲОЛИ ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРғИБ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БўЛАЙТИР.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган «Конституция — буюк келажағимизнинг ҳуқуқий кафолати» мавзуидаги кўрик-танловда ҳам бу ўз исботини топди. Тадбирнинг республика босқичида иштирок этган адлия идоралари ва муассасалари ходимлари Конституцияга оид ўз билимини намоян қилди.

Тадбирда Конституциянинг мазмун-маҳиятини аҳолига етказиш адлия идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан бири экани таъкидланди. Шу боис соҳа ходимларининг бу борадаги билимини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Кўрик-танловда пойтахт жамоаси галиб чиқди.

(ЎЗА)

Қисқа сатрларда

• **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан «Конституция — ҳуқуқий таянчимиз» мавзуида илмий-амалий семинар уюштирилди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида «Турон» ах-

борот-ресурс маркази билан ҳамкорликда уюштирилган тадбир «Конституция — ҳаётимиз Қомуси» деб номланди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Умидли сана» хусусий корхонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Қонун устуворлиги — жағият таянчи» деб номланди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Чинобод» санаторийсида Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республи-

каси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Моҳир пазанда» кўрик-танлови ўтказилди.

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 105-интернатда туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар иқодиёти маркази, «Гулистон» маданият уйи, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағмармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари ҳамкорликларидан Халқаро ноғиронлар кўнига бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кеча «Сен ёлғиз эмассан» деб номланди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда Халқаро ноғиронлар кўнига бағишлаб ўтказилган тадбирда меҳрга ташна болажонларга совғалар тўхфа этилди.

• **КЕЧА** «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида имконияти чекланган кишилар ўртасида шахмат, шашка, стол теннис, армрестлинг бўйича муносабақалар уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда

Бизнинг Конституциямиз, Ўзбек миллий давлатчилигининг ўзиде акс эттирган, умуминсоний қадриятларни юқори тутган, миллий тилимизни давлат тили даражасига кўтарган, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга имкон яратган ҳолда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолати бўлиб, кундалик ҳаётимизда қўлланиб келинмоқда. Конституция берган имкониятлардан барча фуқароларимиз баҳраманд бўлмоқда.

Биз, кўп миллатли Ўзбекистон халқлари Истиклолимизнинг энг улугъ неъматидир — Конституциямизнинг ниҳоятда пухта, лўнда, мазмунли ҳамда тўлақонли тузилиб, жаҳон давлатлари томонидан тан олиниб, унинг халқро майдонда эътироф этилганидан гурур ва ифтихор туйғуларини туймаз.

Мана ўн олти йилдирки, Бош Қомусимизда ифода этилган ўзбек халқининг, барча Ўзбекистонликларнинг иродаси кундалик ҳаётимизда намойиш бўлмоқда. Конституциямизнинг биринчи боб, биринчи моддасида айtilгандек, «Ўзбекистон — суверен демократик Республика» бўлиб, халқро муносабатларда, барча давлатлар билан тенглик асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу биринчи бўлиб 6-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри» деб кўрсатилган.

Ҳа, Тошкент тарихий манбаларга асосан бундан қариб 2200 йилдан ортиқ даврни ўзиде муассас этган тарихий шаҳардир. Азим пойтахтимиз Буюк Ипак йўли орқали дунё мамлакатлари билан савдо-сотиқ, борди-қелди, маданий-маърифий алоқаларини муносиб ривож топтириб келган шаҳар сифатида, ўзиде жуда қўлай тарихий аҳолията молик обидларнинг муқаммас этган, ривож топган шаҳардир. Шаҳримиз ўз тароватиға кўра «Шаҳқ дарвозаси» деган нома сазовор бўлган. Узининг қўрки, чиройиға эға бири-бирдан қадимий миноралар, мадраса масжидлар, буюк алломалар ҳоки-пойи бундан азим иншоотлар узра ўтмишдан дарак бериб турибди. Ўзбекистон давлатининг пойтахти Тошкент мустақилликка эришганимиздан сўнг катта бунёдкорлик ишлари эвезиға янада кўркамлаштиб, чирой оқди. Бири-бирдан кўркэм, замонавий, ойнаванд, муҳкам бинолар, хилма-хил кўринишда ишланган, зилот сувларини бир маромда сочиб, киши

жонига ором бахш этиб турган фаворлар, барчамизнинг фахр, гурур ҳамда ифтихоримиздир. 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислмо маданияти маркази деб эълон қилиниши барчамизни беҳад қувонтирди.

Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси наинки юртимизда, балки бутун ислом оламиде ҳам катта нуфузға эға бўлган табаррук масканлардан ҳисобланади. Бу ерда давлатимиз раҳбари раҳнамолиғиде кенг кўламадаги, бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Мажмуа таркибидега Кафол Шоиий мақраси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасаси, Тиллашайх ва Намоғоқ

битазилиб, транспорт қатновининг яшилдишиға имкон берди. Бугунги кунда пойтахт шаҳримизда йўловчи ташувчи автобус, троллейбус ҳамда трамвайларнинг икки юздан ортиқ йўналиш бўйича қатнови йўлга қўйилган. Тошкент метроси бир маромда, халқимизнинг узояни яқин қилишда, тезкор транспорт воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Шуни таъкидлаш кераки, шаҳримиз бугунги кунда спорт турларининг ривож топшишда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда олдинги ўринни эғаллайди.

Катта мамнуният билан тан олиб баралла айтаимки, Мустақиллик

тўй-томосалар, учрашув ҳамда виолончолларнинг шоуду-хуррамлик билан ўтказиб келмоқда.

Мен, бир кекса тарихи сифатида она шаҳримиз, азим Тошкентнинг энг гўзал, тароватли маскани бўлган Мустақиллик майдони ҳақида алоҳида тўхталиб, ўз кўрган-билганларимни фахр билан айтиб ўтишни лозим кўрдим. Ёшим етмишдан ошим арафасида. Шу ёшға қадар мен Тошкент шаҳрида турганим ривож топшишда нафақат бўлиб етишиб, пойтахтимизнинг Истиклолдан сўнг бунчалик файзли, чиройли, тинч, осийишта шаҳар бўлаётганлиғига ич-ичимдан беҳад қувониб, мана, Мустақиллик

қилиб, мрамр тошдан ишланган тағсулға устида катта ер шарии шаклиға ўйиб ишланган мустақил Ўзбекистоннинг худудий харитаси ер юзида миллий, мустақил Ўзбекистон давлати тенглар ичра тенг бўлиб, дунё ҳамжамияти қаторида ўз ўрниға эға эканлиғини намойиш этиб турибди.

Майдонда бири-бирдан салобатли, миллий руҳни акс эттириб турган Олий Мақлис Сенати биноси, ойнаванд, қизил мрамр билан мустақамланган Вазирлар Мақраси, майдон ўртасида кўркэм биноларға мос ҳолда қайта қурилган маъмурий бино, майдоннинг ўрта йўлагининг икки томонидаги фаворлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғининг биноси ҳамда узок йиллардан сўнг ниҳоят кад роствлаган пойтахт бизнес марказининг биноси кўрк тўкиб турибди. Майдоннинг барча ери кўм-кўк арчалар билан қопланган бўлиб, ёз фаслида улар орасиға турли хил анвоий гуллар экилади. Майдоннинг тунги кўриниши эса электр чирокларининг қўлиғидан осмон қолдузларининг бир неча юзтаси ерға сэйр этишға тушгандек туйғу ҳосил этади кишида.

Мустақиллик майдонида бундан бир неча йил илгари қурилган кўрмисиз, киши руҳиятиға унча таъсир этмайдиган «Номаълум аскар» мажмуи бар эди. Мустақиллик майдонининг бу қисми ҳам миллий рўҳда, бутунлай бошқа кўринишда қайта қурилади. Бу ерға салобатли «Мотамсар она» ҳайкали, икки томондан накинкор устунлар кўтариб турган пешайвон, пешайвон ичарисида китоб варгани эслатиб турувчи, иккинчи жаҳон уришида ҳалок бўлганлар ҳамда бедарак йўқолган инсонларнинг зарҳал ҳарфи билан битилган рўйхати мажмуд. Майдонча ҳовлисиға силлиқ мармар плиталар ётқизилган ҳамда турли узок йиллик дараклар, арчалар, қарағайлар экилган. Ҳўли саҳни кишин-ёкин кўм-кўк арчалар билан қопланган...


Ҳа, азим шаҳримиз Тошкент ҳақида илгари ҳам, ҳозирда ҳам қўлай мақолалар битилмоқда, китоблар нашр этилмоқда, фотоальбомлар чиқарилмоқда. Бу ишлар ҳар доим давом этаверади. Чунки Тошкент тарихи ўтмиш воқеалариға бой, келажак янада покмок мустақил юртимиз пойтахтидир.

Мазруф РАХИМОВ, тарих файлари номзодин, доцент

МУСТАҚИЛ ЮРТИМ ЮРАГИ

«Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри» (Ўзбекистон Республикасини Конституциясининг биринчи боб, 6-моддаси)

Мана, яна бир неча кундан сўнг, ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН, ЎЗ МУСТАҚИЛ, МИЛЛИЙ ДАВЛАТИНИ ТУЗИВ, ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ҚАТОРИДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛГАН, ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ БЎЛИВ, ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚУРИШДЕК ЮКСАК МАҚСАД САРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОДИМЛАБ БОРАЁТГАН БУНЁДКОР, БАҒРИ КЕНГ ХАЛҚИМИЗ ЎЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНГА ЎН ОЛТИ ЙИЛ ТЎЛИШИНИ КАТТА МАМНУНИЯТ БИЛАН КУТИБ ОЛАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

масжидлари каби тарихий обидалар кўли гул устлар, хунарманд, муҳтақисиллар томонидан таъмирланди, қайта тикланди. Кўш гумбази, икки минорали улкан масжид биноси қурилади.

Истиклол туфайли, Тошкент шаҳри мустақил Ўзбекистон давлатининг пойтахти сифатида қайтадан, замонавий услубда ривожланиб бориди. Илгариги кўрмисиз, файзи йўқ, ҳом гиштдан ишланган омонат иморатлар ўрниға мустаҳкам, миллий кўринишдаги бинолар кад кўтарди. Шаҳарда мавжуд барча бинолар таъмирланиб, уларнинг ташки таъфиси, кўрки янада чирой очди. Буюк Амир Темур бобомизнинг учқор от устида уни жиловлаб турган салобатли ҳайкали ҳаммани хайратла солади.

Юртобосимиз ташаббуси билан шаҳар атрофини «камар»дек ўраб турган Кичик халқа йўли қурилиши

бизға кенг эркинликлар берди. Барча соҳаларда — ҳоқ қурилиш бўлисин, ҳоқ санъат, маданият соҳаси бўлисин, ёки илм-фан тараққиёти, спортда бўлисин, барча-барчасининг кенг қўламадаги ривожини истиклол берган имконият натижасидир.

Мустақиллик туфайли шаҳарсозлик йўналишидаги қурилишларда миллийлик руҳи кўриниб турибди. Пойтахтимизда миллий урф-одатлари кўп келадиган, ўзига хос кўринишда эға бўлган қўлай турли бинолар, ресторонолар, тўйхоналар, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган иншоотлар кетма-кет қурилиб, битказилмоқда. Буларға чиройли номлар қўйилмоқда. Масалан: «Наврўз», «Гулор», «Тинчлик», «Беруний», «Алломш», «Файз», «Нур», «Регистон», «Дархон», «Зарафшон» кабилар. Бу ишнам масканларда халқимиз ҳар кун турли

натижаси, мана озодлик, мана эркинлик нашидаси дея, барча Ўзбекистонликлар қатори фахрланмоқдам.

Пойтахт шаҳримиз Тошкентнинг қоқ ўртасидан ўтадиган, ўзининг зилот сувини узок-узакларға эплатидиган катта Анхор кўриғидан ўтиб Мустақиллик майдони худудиға килри борар эканман, бу худудда ўзига хос тароват борлиғини ич-ичимдан ҳис этмаман. Истиклол туфайли бутунлай қайта қурилган, ўзгача чирой очган бош майдониш катта оромгоҳға, тинч, осийишта кечаётган ҳаётимиз рамиға айланганлиғини кўраим. Майдоннинг ўртасидан қираверишда сизини осмонға парвоз этаётган Лайлақлар тимсоли орқали Мустақиллик ва эзгулик монументи қарши олади. Мрамр йўлка эса, сизини «Бахтиёр она» ҳайкали томон йўллаиди. Унинг ёнида баланд

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

БУ ЙИЛ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН АСОСИЙ ҚОНУНИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИГА 16 ЙИЛ ТЎЛАДИ.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида ўзиде юксак инсонпарварлик гояларини муқаммаслаштирган Ўзбекистон Конституцияси ҳаётимиз дастуруламалайга айланди. Конституцияда мустақамланган асосий тамойил ва бошланғич асослар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш талабларига тўла мос бўлиб, улар ўзбек миллий давлатчилиғини ривожлантиришға хизмат қилмоқда. Давлатимиз Асосий Қонунда конституциявий тузумнинг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиғи, сиёсий плорализм, иқтисодий фаолият ва мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиғи, давлатнинг ижтимоий характери ўз ифодасини топган бўлиб, улар ҳаётта тўла жорий этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Конституцияси сиёсий барқарорлик ва миллий тотувликини мустақамлаб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболларини белгилаб боришда йўлни юлдуз вазибасини бажармоқда.

Конституциямизда, аввало муҳим тамойиллардан бири бўлган халқ ҳокимиятчилиғи масаласиға асосий эътибор қаратилди. Унинг 11-моддасиға кўра, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чикарувичи, ижро этивчи ва суд ҳокимияти бўлиниши принципиға асосланади». «Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ваколлати идоралар томонидан амалға оширилади» (7-модда). Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқчил давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва мустақамлашға катта аҳамият бериб келинмоқда. «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазиға, — деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари, — деб бунқунчилик ҳокимияти бўлиши мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кўчайтириши, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатта эришишдан иборат». Мамлакатимизда демократик ислохотлар амалға оширилиши натижасида давлат қурилиши соҳасида ҳокимиятнинг тақсимлиги принципиға тўлиқ асосланган давлат органлари тизими шакллантирилди.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичиде икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилди, миллий парламентға ҳоз вазифалар ва ваколлатлар ҳамда унинг

қонун ижодкорлиғи, парламентлараро алоқалар, ижро ҳокимиятини назорат этиш, фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятининг қатор асосий йўналишлари белгиланди. Парламент ислохотининг амалға оширилиши жамиятимизда демократик принципларни янада мустақамлаш, қонунларни икки палатали парламент орқали ишлаб чиқиш, парламент фаолиятини фаоллаштириш ва аҳолининг бунча ижтимоий, сиёсий гуруҳлари ва қатламлари, шунингдек, мамлакат минтақаларининг амалий манфаатлари муштарак жамланган марказға айлантириш имконини берди.

Асосий Қонунимизда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришға алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида «қонунда белгилаган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий харакатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф» этилиши белгилаган. Бу ташкилотларнинг фуқаролик жамиятининг асосий институтлари сифатида фаолият юритиши қайд этилган.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш халқимизнинг олий мақсадлардан биридир. Ушбу мақсадни ифодалаб, Президентимиз «Биз фуқаролик жамиятини қуришға интилимоқдамиз. Бунинг маъносини шуки, давлатимиз ривожлана болган сари бошқарувининг турли хил вазибалиги бевоситта халққа топшириши, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир», деб таъкидлаган эди. Шу мақсадда 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб «қучли давлатдан қучли жамият сари» сиёсий дастури ишлаб чиқилиб, уни ҳаётта, татбиқ этилишининг чора-тадбирлари яратилди. Ушбу дастури амалға оширишға қаратилган чора-тадбирлар давлат бошқарувини но-марказлаштириш; давлат хизмати соҳасида инсон омилни ривожлантириш; давлат бошқарувини тақсимлаштириш унқ қонунчилик базасини ишлаб чиқиш каби йўналишларни ўз ичига қамраб олганли-

ғини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қофоллатлари тўғрисида» ги қонунлар ва бошқа меъорий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар ва меъорий ҳужжатлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим ҳуқуқий асосиға айланди.

Кўриниб турибдики, Конституциямизда мустақамланган асосий қонидлардан келиб чиқадиган вазибалардан бири халқнинг миллий ва маданий аънаъаларига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган том маънодаги демократик принципларни қарор топтиришдир. Бундай принциплар мавжуд бўлган ва амал қилган давлатда инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Шуни таъкидлашимиз лозимки, бизнинг Конституциямиз бу борадаги энг юқори даражадаги талабларға жаваб бера олади.

Бир суз билан айтганда, Конституция — давлатнинг асосий қонунини, қонунчилик тизимининг неғизи бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, давлатнинг шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва тамойилларини белгилаб берадиган олий юридик кўчға эға ҳужжатдир. Шу боис ҳам Конституция демократик жамият ҳаётидеги энг муқаддас сиёсий-ҳуқуқий хужжат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт йўли шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон — Конституцияға таяниб яшайдиган давлатдир. Амалдаги Конституциямиз 16 йил давомида Ўзбекистонни янги юксак тараққиёт поғонасиға олиб чиқиш учун ўтказилаётган чуқур ислохотларини учун ҳуқуқий асос вазибасини ўтамоқда ва бундан кейин ҳам Ватанимиз келажак тараққиети ва келгуси авлодларининг фароқон ҳаёт кечиршилари учун яна қўр хизмат қилади.

Ойбек ТУРҲУНОВ, ТДЮИ «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси авваломабор ҳуқуқий демократик давлатнинг тизими, мохиятини белгилаб бериши билан алоҳида эътиборға моликдир. Унинг ҳар бир моддасида инсон манфаатлари, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоясини ўз аксини топган.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизнинг биринчи моддасидаёқ Ўзбекистоннинг суверен демократик давлат эканлиғи мустақамланган. Эеро, ҳозирда мамлакатнинг демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш бўйича изчил харакатлар амалға оширилмоқда. Мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари масаласиға айнакча кенг ўрин берилган бўлиб, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг энг инсонпарвар гоялари ўз аксини топган. Бу борада айнакча Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдига «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлиғининг 60 йиллиғиға бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида» ги Фармонини Конституциямиз руҳиға ҳамоҳанг бўлди. Эеро, Асосий Қонунимизнинг ўзи «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, номуси, қадр-қиммати ва бошқа ақралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деган асосий қониддан келиб чиқиди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларининг учдан бир қисми инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва муҳофаза этишнинг қонидлари республика қонунчилиғи меъёрларида белгилаб берилган.

Оила юртимизда азалдан жамиятнинг таянчи, тинчлик ва осийишталик кафолати ҳисобланади. Бинобарин, Асосий Қонунимиздан оналик ва болалик муҳофазаси, ота-оналарнинг фарзандлар олдидеги мажбуриятлари, фарзандларнинг ота-оналар олдидеги вазибалари, ота-она қарамогидан маҳрум бололарнинг ҳуқуқий ҳимоясиға оид қонидлар ҳам ўрин олган. Конституциямизнинг 65-моддасида «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деган қонид мустақамланган. Унинг мазмунда фарзандлар манфаатининг устуворлиғи назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир инсон Конституция ва бошқа қонун меъёрлариға қатъий риоя қилса, Асосий Қонунимиз ва бошқа ҳуқуқий хужжатларининг ҳаётимиздаги устуворлиғи янада ошади.

Шахло МИРАЗИЗОВА, Тошкент Давлат юридик институтини 1-курс талабаси

Иқтисодиёт ТУРЛИ ХИЛ УСЛУБДА

БОЗОРИМИЗДА БУГУНГИ КУНДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИФИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ХАРИДОРЛАР ТАЛАБНИ ҚОНДИРМОҚДА. БОИС ЭСА УШБУ ТОВАРЛАР СИФАТИ ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Тадбиркорлик билан фаолият юритаётган «MAY-TEKS» хусусий корхонасида ҳам бир неча йилдан буён Туркиядан келтирилган замонавий линия ва Хитой давлати тиккув дастгоҳларидан самарали фойдаланган ҳолда эркаклар устки либослари тайёрланади. Айнакча, ишлаб чиқарувчиларнинг бозорини, харидор талаб ва дидини ўрганиши асосида тайёрланаётган таслик ва замонавий услубдаги костюм-шимлар дизайнин билан барчаға манзур бўлмоқда.

— Хусусий корхонамизда бугунги кунға келиб 15 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхона директори Дмитрий Ли. — Уларнинг ҳар бири ўз ишининг моҳир усталари бўлиб, танлов асосида ишға олганмиз. Шу боис ҳам маҳсулотларимиз сифатини таъминлашда уларнинг ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Биз тайёрлаётган эркаклар кийим-кечалари «MAY-TEKS» савдо белгисини остида харидорларға етказиб берилмоқда. Паркент бозорида ўз фирма дўконимизни очганмиз. Шунингдек, пойтахтимиз буюм бозорларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Асосий мақсадимиз ички бозорни четдан келтириладиган эркаклар либослари билан бемалол рақобатлаш олидиган сифати юқори кийим-кечалар билан таъминлаш, иқтисодийтимиз ривожига озиға бўлсада хисса қўшишдир. Ҳозирда маҳсулотларимизнинг асосан Хитой ва Туркиядан келтирилган ҳам ашё асосида тайёрлашмиз. Келгусида эса тадбиркорларимиз билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиб, маҳаллий матолардан ҳам фойдаланишни режалаб турибмиз.

Ҳозирда тадбиркорлар яратган моделлар турини 20 хилдан ортиб кетди. Келгусида эса корхонами кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда хориждан анги дастгоҳ ва ускуналар келтириш, кадрлар танлаш масаласиға эътибор қаратилаяпти.

Шарофат БАХРОМОВА

Тўловлар ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

ТАБИАТНИНГ УЛУҒ НЕЪМАТЛАРИДАН БИРИ ТАБИЙ ГАЗНИ КАШФИЁТЛАРИНИ ЭНГ САМАРАЛИСИ ДЕСАК МУВБОЛАГА БЎЛМАЙДИ. У НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯХЛИТ БИР БЎЛАГА, БАЛКИ АРСОН ВА ҚУЛАЙ ЁҚИЛГИ ТУРИ ҲАМДИР. ТАБИЙ ГАЗ ОИЛАМИЗ САРИШТАЛИГИ, РЎЗГОРИМИЗ ТОЗА ВА ОБОДИЛИНИ, ҚИШ КУНЛАРИДА ЭСА ХОНАДОНИМИЗ ИССИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси «Тошкентшаҳаргаз» филиали пойтахт аҳолиси, ташкилот ва корхоналар, ўзук муассасалари, маийий хизмат уйлорини зангори олов билан таъминлайди. Филиал томонидан 2008-2009 йил куз-қиши мавсумиға тайёргарлик ишлари муваффақиятли амалға оширилди. Жумладан, корхона томонидан 44,1 км газ қувурлари муқаммал таъмирланди, 1781 та юқори ва ўрта босимли газ ростлагич мосламалар жорий тафтишдан ўтказилди, 1160 километр ер остини газ қувурлари асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказилди. Газ таъминоти гидравлик режимини яхшилаш мақсадида Миробод туманидаги «Истиклол», Чилонзор туманидаги «Маданият», Шайхонтохур туманидаги «Эшонгузар», «Зангиота», «Самарқанд дарбоза», «Катта ҳовуз», «Янги шаҳар», Юнусobod туманидаги «Оқтепа», Учкутепа туманидаги «Сайкочий», «Оқ Масжид», «Дархон», «Иброт» ва бошқа бир қанча маҳалларда 7,7 километр газ қувури тортилиб, ҳалқалаш ишлари амалға оширилди ҳамда қўшимча 17 нага газ тартиблагич мосламалари ўрнатилди. Бундан ташқари Бектемир туманидан Тошкент Халқа йўлиғача узунлиғи 2,0 километр бўлган юқори босимли газ қувури қурилиб, Бектемир газ тақсимлаш шохобчасининг (ГРС) қуввати оширилди. Ушбу ишлар кунлар кескин совиб кетган вақтларда ТошиЭМ, 6- ва 7- иссиқлик марказлари қозонхоналари, шунингдек, Миробод, Ҳамза ва Яқсарой туманлари аҳолисининг табиий газ таъминотини яхшилаш имконини яратди.

Ҳар бир газ қувурини таъмирлаш, уни қайта қуриш, аҳолиға «зангори олов» етказиб бериш ортида минглаб заҳматкашларининг оғир меҳнати ётган. Аммо баъзи ташкилот ва муассасалар, санаот корхоналари ва аҳоли ўртасида ўта лоқайдлик билан газдан нотўғри фойдаланиш, исроф қилиш ва сарфланган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламаसлик каби ҳолатлар кузатишмоқда. Табиий бойлигимиз бўлиши «зангори олов»дан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланишимиз нафақат ўзимиз, балки келажак авлодлар учун ҳам манфаатли ва хайрли ишлардан биридир.


Табиий газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш билан бирга сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳар аҳолиси ва корхоналарини табиий газ билан хавфсиз ва узлуксиз таъминлаш имконини яратди.

